

ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мамбеткаримов Дастанбай Отарбаевич

*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети мустақил
тадқиқотши*

Резюме: Мазкур мақолада юқори синфларда қорақалпоқ халқ оғзаки ижодларини ўқитишида интерфаол усулларни адабиёт дарсларида қўллашнинг ўзига хос тенденциялари таҳлил қилинди. Шунингдек, қорақалпоқ халқ оғзаки ижодларини ўқитиш бўйича интерфаол фаолиятнинг асосий элементларининг мазмун-моҳияти очиб берилди.

Калит сўзлар: интерфаол методлар, педагогика, таълим, тарбия, адабиёт, достанлар, қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди, педагогик технологиялар.

Резюме: В данной статье проанализированы конкретные тенденции использования интерактивных методов на уроках литературы при преподавании каракалпакского фольклора в старших классах. Также раскрыта сущность основных элементов интерактивной деятельности по преподаванию каракалпакского фольклора.

Ключевые слова: интерактивные методы, педагогика, образование, обучение, литература, эпос, каракалпакский фольклор, педагогические технологии.

Summary: This article analyzes specific trends in the use of interactive methods in literature lessons when teaching Karakalpak folklore in senior classes. It also reveals the essence of the main elements of interactive activities in teaching Karakalpak folklore.

Key words: interactive methods, pedagogy, education, training, literature, epic, Karakalpak folklore, pedagogical technologies.

XXI аср цивилизация тараққиётида муҳим ўринга эга бўлиб, фан ва

техниканинг жадал ривожланиш даври сифатида тавсифланади. Бу даврдаги фан ва техника ютуқлари ишлаб чиқаришнинг тез жадаллик билан ривожланишини юзага чиқарди. Бундай ўзгаришлар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари сингари педагогик хизмат соҳасига ҳам таъсир кўрсатиб, ўқитиш жараёнининг технологиялашувини вужудга келтирди.

Қорақалпоқ халқ оғзаки ижодларини ўқитишда таълим бериш, тарбиявий ва ривожлантириш мақсади ва уларнинг бирдамлиги сақланиши керак. Адабиётни ўқитиш борасида ўқувчиларни умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялашга, уларнинг онгига миллий ғоя билан мустақиллик мафкурасини сингдиришга қаратилиши керак.

Юқори синflарда қорақалпоқ халқ оғзаки ижодларини ўқитишда интерфаол усулларнинг ичида адабиёт дарсларини ўқитиш бўйича энг кенг тарқалгани «ФСМХ», «биргаликда изланувчилик», «Ақл ҳужуми», «БББ» бўлиб ҳисобланади. Дарс вақтида ўқувчилар томонидан олдиндан маълум даражада тушунчаси бор қандайда бир масала талқин қилинса, бу шакл самаралироқ бўлади. Юқори синflарда қорақалпоқ халқ оғзаки ижодларини ўқитиш бўйича интерфаол фаолиятнинг асосий бешта элемент билан ифодаланади: ўзаро боғлиқлик; хусусий маъсулият; бир-бирига ёрдам кўрсатиш ҳаракати; ишни биргаликда олиб бориш қобилияти; гуруҳдаги иш натижаси. Интерфаол бир чиқиб гапиувчининг, бир фикрнинг устуворлигини чеклайди.

Таълим олиш бўйича ҳар ким ўз фикрини танқидий қараш билан айтишга оид адабий материалларни таҳлил қилиш асосида мураккаб масалаларни ечишга, хато фикрларни бартараф қилишга, чукур тафаккур қилиб кўрилган ечимларни қабул қилишга, муҳокамаларда иштирок этишга, ўз-ўзи билан маданиятли муносабат ўрнатишни ўрганади. Бу учун адабиёт дарсларида якка, жуфт ва гуруҳ ишлари ташкил этилади. Тадқиқот лойиҳалари, ҳужжат ва ҳар хил маълумот манбалари билан ишни олиб бориш, ижодкорлик ишларини фойдаланиш амалга оширилади.

Юқори синflарда нақл-мақолларни ўқитишда, ўқитиш бўйича

интерфаол усуллар синфда ҳамкорлик шароитида яратилади. Интерфаоллик усулга асосланган технологияни қўлланиб, ўқувчи ижодкор ҳамкорлар сифатида ишлашга асосланган ўзгаришларга, барқарор тайёргарликка ва маъсулиятли масалаларни ечишга ўрганади. Қорақалпоқ халқ оғзаки ижодларини ўқитишида интерфаол усуллар қуидаги натижаларга олиб келади: ўқувчиларнинг адабиёт дарсига, фанга қизиғувчилиги ортади, ўқув материалларини мустаҳкам ўзлаштиради, чукурроқ ўйлаш ва эркин фикрлаш қобилияти ривожланади, муносабатни ўрнатиш маданияти шаклланади, ўқув фаолиятига фаоллик билан иштирок этади ҳам ўқув учун қулайли психологик муҳит яратилади.

Адабиёт дарсларида интерфаол технологияларни қўллаш ҳакида ёзилган услубий адабиётлар билан танишиш мумкин. Аслида, адабиётчи муаллимнинг ўзи дарсларида интерфаол усулларни самарали фойдаланиши орқали кўп гина ютуқларга эришади. Юқори синфларда нақл-мақолларни ўқитишида, ўқитиш бўйича интерфаол ўқитиш технологияси улкан амалий аҳамиятга эга бўлиб, педагогик технологияларнинг бир тури ҳисобланади. Дарс бўйича шоирнинг қўшиқлар тўпламидан фойдаланиб борамиз. «Бурчаклар» методи орқали нақл-мақолларнинг мавзуси бўйича ўқувчилар бир нечта гурухларга тақсимланиб, шу ўзлари танлаган мавзуда муҳокамани ташкиллаштириши мумкин.

Юқори синфларда қорақалпоқ халқ оғзаки ижодларини ўқитишида дарснинг турлари қандай бўлса, уларнинг шунга мос тузилади. Ҳар бир дарснинг тузилиши дарснинг мақсадига, дидактик вазифаларига, қўлланиладиган методлар билан кўргазмали, техник воситаларга, ўқувчиларнинг ёши ва якка хусусиятларига, дарсларда қандай педагогик технологияни қўллашга, ўтказиладиган ўринга ва адабиётчи муаллимнинг маҳоратига боғлиқ ҳолда белгиланади. Уларнинг айрим босқичлари кенгайиши ҳам, ёки торайиши ҳам, қўлланиладиган ўқитиш усуллари, воситалари ва методларининг ўринлари билан хизмати ўзгариши мумкин. Шу жумладан, ҳозирги замон дарс турларини ҳам уларнинг тузилишларини

янгича ишлаб чиқиш, миллий педагогиканинг асосий вазифалари га киради.

Фикрлашув дарси ҳақида методист ўқитувчилар томонидан қуйидаги фикрлар билдирилган: “Фикрлашув дарси синфда ўтиладиган дарснинг бир тури. Материалларни баҳслашиш дарси орқали шундай мақсадларда ўрганамиз. Ўтиладиган материаллар ҳақида тушунча, материални чуқур билиш, материални ўрганишда ўқувчиларнинг мавзуга тушунчасини ривожлантириш” – деб фикрлашув дарсининг мақсади ва вазифаларини ўринли ҳолда очиб кўрсатган. Демак, фикрлашув дарси ўқувчиларнинг қизигувчилиги ҳисобга олинган ҳолда ўтиладиган дарснинг тури. Бу дарс турини “Олпамиш”, “Қирқ қиз” ва “Қоблан” достанларини ўқитишида тўғри фойдаланиш керак.

Юқори синфларда қорақалпоқ халқ оғзаки ижодларини ўқитишида ҳар хил ўқув воситалари, дарслик, ўқув қўлланмаси, хрестоматия, машғулотлар йиғиндиси, қорақалпоқ адабиёти бўйича луғат, энциклопедия, хабарнома в.ҳакозалар. Шунингдек, қорақалпоқ адабиёти бўйича кўргазмали воситалар кўплаб қўлланилади. Улардан ёзувчиларнинг расми, асарларининг матни ёзилган плакат, уларнинг хаётий схемаси, харита, чизилма, жадвал, диаграмма, альбом в.х., техник воситаларнинг диафильм, диапозитив, кино фильм, видео магнитофон, телевидение, магнит лентасидаги ёзувлар, громпластика, ўқитадиган машиналар, лингафон кабинети, фильм, эпидиоскоп, кодоскоп, кинопроектор ва бошқалар борган сари кенг қўлланилмоқда.

Анъанавий методларни қўлланишнинг асосий мақсади нафақат таълим бериш эмас, ўқувчиларнинг мустақил ўқиши, изланиш, саволга жавоб топиш, қарор қабул қилиш, танқидий фикрлаш кўниумасини шакллантиришдан иборат. Дарс ўтишнинг ўқувчилар ҳаракатчанглигини оширувчи бу методлар айrim илмий-педагогик адабиётларда анъанавий методлар деб ҳам номланади.

Хулоса қилиб айтганда, юқори синфлар учун бағишлиланган қорақалпоқ оғзаки ижодларини ўқитишида инновацион технологияларни

фойдаланишнинг илмий-амалий асослари, нақл-мақолларни ўқитишида интерфаол технологияларни қўлланишнинг қоидалари ва достанларни ўқитишида интерфаол методларни қўллашнинг хусусиятлари ўрганилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Долимов С., Убайдуллаев Х., Аҳмедов Қ. Адабиёт ўқитиши методикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967. – 448 б.
2. Зуннунов А. Ўзбек адабиёти методикаси тарихидан очерклар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 268 б.
3. Зуннунов А.С., Хотамов Н., Эсонов Ж., Иброҳимов А. Адабиёт ўқитиши методикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 332 б.
4. Скалова Я. Методология и методы педагогического исследования. – Москва.: Педагогика, 1989. – С. 224.
5. Скаткин М.Н. Методология и методика педагогических исследований. – Москва: Педагогика, 1986. – С. 150.